
ЭКОШАҲАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ИШЛАРГА КИРИШИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари ҳамроҳлигида ҳудудларда бўлиб, бунёдкорлик, ободонлаштириш тадбирлари, янги лойиҳалар, корхоналар фаолияти, муҳим қарорлар ижроси, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар бўйича ўрганишлар олиб бормоқда. Навбатдаги ўрганиш Фарғона шаҳрида давом этди.

Дастлаб Фарғонадаги энг йирик лойиҳалардан бўлган – “Илғор” маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган Экошаҳарда олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Бу ерда 300 гектар майдонда турар жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилиб, қарийб 5500 дан зиёд иш ўрни яратиладиган саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган. 70 гектар майдонда эса “Янги Ўзбекистон” боғи ташкил этилмоқда. Айни кундаги энг муҳим масалалардан бири сув, электр энергияси, канализация тармоқларини тортиб, қулай инфратузилмани шакллантиришдан иборат.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ушбу масалаларда тегишли мутасадди раҳбарлар ва тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Экошаҳар ҳудудида жойлашган 2,8 км узунликдаги янги канал қурилиши ва 6,1 км масофадаги Шодиева каналини реконструкция қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ишларни тезлаштириш, ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-07 09:16:58